



ЎЗБЕК ТИЛИДА “СПОРТ” СЕМАНТИК МАЙДОНИ ХУСУСИДА

Бабаяров Махмуд Хамитович

СамДУ мустакил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11262533>

АННОТАЦИЯ. Мақолада ўзбек миллий “спорт” семантик майдони ўрганиш жараёнида спорт терминларининг структур-грамматик, семантик, деривацион, мавзувий, лексикографик хусусиятларини илмий тадқиқ этиш заруратининг замонавий маданиятнинг бир қисми сифатида эканлигини баён этилган. Унда ўзбек тили спорт терминологиясининг синхрон ҳолатини икки қатламга бўлиб ўрганиши ва спорт терминологиясининг семантик таснифи ҳамда спорт луғат бойлигининг бойиш йўллари ёритилган.


Калит сўзлар: спорт термини, семантик тасниф, спорт лексикаси, семантик майдон, ўзлашма қатлам, ўз қатлами, спорт дискурси

АННОТАЦИЯ. В статье описывается необходимость научного исследования структурно-грамматических, семантических, словообразовательных, тематических, лексикографических особенностей спортивных терминов в процессе изучения узбекского национального «спортивного» семантического поля как части современной культуры. В ней освещено исследование синхронической ситуации спортивной терминологии узбекского языка на два пласта и семантическая классификация спортивной терминологии и пути обогащения спортивной лексики.

Ключевые слова: спортивный термин, семантическая классификация, спортивная лексика, семантическое поле, приобретающий слой, собственный слой, спортивный дискурс.

ANNOTATION. The article describes the need for scientific research of structural-grammatical, semantic, word-formation, thematic, lexicographical features of sports terms in the process of studying the Uzbek national “sports” semantic field as part of modern culture. It highlights the study of the synchronic situation of sports terminology in the Uzbek language into two layers and the semantic classification of sports terminology and ways to enrich sports vocabulary.

Key words: sports term, semantic classification, sports vocabulary, semantic field, acquiring layer, own layer, sports discourse.





Дунё тилшунослигида бугунги кунда терминология, унга доир муаммолар, термин ва термин тушунчаси, терминларнинг лексик-семантик хусусиятлари ва таркибий тузилиши каби масалалар тадқиқи янги босқичга кўтарилган. Шу нуқтаи назардан, барча тиллардаги замонавий терминологияда термин яшаш ва танлаш методлари, уларнинг самараси, ясалаётган терминларнинг адабий тил нормаларига мос келиши ва фаол қўлланиши, терминларнинг луғавий қатламлари юзасидан замонавий аспектларда тадқиқотлар олиб бориш кун тартибига қўйилмоқда. Булар ўз навбатида, тилшуносликда спорт терминларининг структур-грамматик, семантик, деривацион, мавзувий, лексикографик хусусиятларини илмий тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбек тилшунослигида терминология соҳасида Ҳ.А.Жамолхонов ўзбек ботаника терминологиясининг таркиб топиши ва ривожланиши ҳақида илмий изланишлар олиб боради. Шунингдек, Ҳ.Дадабоев ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий терминология хусусида, Н.Шодмонов мусликий атамалар, Х.Жабборов деҳқончилик лексикаси, М.Х.Қосимова ўзбек тилининг ҳуқуқий терминлогияси, Х.В.Мирзааҳмедова форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари, М.Г. Неъматова ўзбек тилида ўсимлик номлари, И.Юлдашев ўзбек китобатчилик терминологияси, Г.Ғуломова юридик терминология, Р.Дониёров ўзбек тилининг техник терминологияси, О.Рамазонов ўзбек математика терминологияси, М.А.Алиева газлама терминларининг семантик-грамматик тадқиқи, Д.С.Саидқодирова интернет терминлари, З.А.Джурабаева экологик терминлар, Х.Ш.Нарходжаева жараён англатувчи терминлар, О.Т.Ўринова қорамолчилик терминлари, Х.Э.Ёдгоров ҳарбий терминология, С.Х.Нурматова инглиз, рус ва ўзбек тилларида астроавиакосмик терминология, Т.Қ.Валиев ўзбек тили йўлсозлик терминларининг структур-семантик хусусиятлари ва лексикографик талқини хусусида изланишлар олиб бордилар[1, 3,5,6,7,].

Ўзбек тилшунослигида М.Бобоёров соҳа терминологиясининг ўзбек тили ички имкониятлари ҳамда ташқи омиллар асосида ривожланиш жараёнларини ёритган, З.Абдуллаева эса терминлар тараққиётига тарихий – ижтимоий омилларнинг таъсири масаласини тадқиқ этган. Х.Саримсоқов ўзбек ва инглиз тилларида спорт терминлари ва неологизмларнинг шаклланиш тарихи, ясаиш (лексик – семантик, деривацион ва б.) усуллари, фразеологик бирликларнинг терминологик хоссалари каби масалаларни чоғиштирма аспектда ўрганган[2,3].





Глобаллашув ва компьютерлаштириш асрида Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти сафидан ўрин олиши давлатлараро иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа алоқаларнинг жадал суръатлар билан ривожланишига олиб келди. Бундай муносабатларнинг ижобий натижалари нафақат ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий ҳаётда, шунингдек, тилда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бугун жаҳон спорт оламида «кураш», «ҳалол», «ёнбош», «чала», «танбеҳ», «дакки», «ғирром», «тўхта», «кураш», «таъзим», «ҳалол», «ёнбош», «вақт», «дуранг», «елка» ва «бекор» каби ўзбекча сўзлар кураш спортга алоқадор терминлар сифатида машҳур бўла бошлагани ва улар ўзбек тилшунослигининг лексик базасини маълум миқдорда тўлдирган десак, муболаға бўлмайди. «Кураш» спорт тури ҳақида ўзбек ёзувчилари Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асарлари мисол бўла олади.

Ўзбек миллий “спорт” семантик майдони терминологияси ҳам бошқа терминосистемалар каби турли даврларда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шароит туфайли мураккаб ривожланиш босқичларини, лисоний ўзгаришларни бошидан кечирган. Мазкур соҳа терминосистемаси таркиби ҳам узоқ асрлар давомида ўзбек тили ички имкониятлари ва бошқа тилларнинг ўзига хос таъсири натижасида ҳозирги кўринишга келган.

Шу нуқтаи назардан, ўзбек тили спорт терминологиясининг синхрон ҳолатини қуйидаги икки қатламга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Спорт терминологиясининг ўзлашма қатлами: гимнастикадаги “обруч”, “булава”, “гимнастический конь”, “гимнастический козёл”, сузишдаги “брасс”, “синхрон”, “бассейн”, “крол”, “батерфлай”


2. Спорт терминологиясининг ўз қатлами: «Кураш» спорт туридаги «кураш», «ҳалол», «ёнбош», «чала», «танбеҳ», «дакки», «ғирром», «тўхта», «кураш», «таъзим», «ҳалол», «ёнбош», «вақт», «дуранг», «елка», «бекор»

Ўзбек тили спорт терминологиясининг семантик таснифини тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: 1) жараёнларни билдирувчи атамалар ва спорт тадбирларини тавсифловчи ҳаракатлар (50%);

2) спорт ва унинг таркибий қисмларини билдирувчи терминлар (35%);

3) касбий мансубликни кўрсатувчи терминлар (9%);

4) спортнинг сифат ва хусусиятларини таъкидловчи ўйинлар, спортчиларнинг чиқишлари (6%)





Ўзбек тилларида спорт лексикасининг бойиши қуйидаги йўллар билан амалга ошириш ўрганилди: 1) бошқа тиллардан сўзлар ўзлаштириш йўли билан; 2) тилда қўлланилиб келган айрим сўзларнинг йўқолиши; 3) сўзларнинг ўз маъноларини ўзгартириши (сўз маъносининг тўлиқ ўзгариши, омоним сўзларнинг пайдо бўлиши, сўз маъноларининг кенгайиши ва торайиши). Айтиш жоизки, тиллар бир-биридан ҳимояланмаган. Бир тил бошқа бир тилдан товушлар, сўзлар ва бирикмаларни ўзлаштириши мумкин. Масалан, *ҳакам*, *жамоа*, *ҳалол* (*арабча*), *чала* (*форс-тожикча*), *баҳодир* (*мўғулча*), *футбол*, *баскетбол*, *волейбол*, *хоккей*, *бокс* (рус тили орқали инглиз тилидан кирган) ва бошқалар.

Спорт терминологиясида спорт терминлари турли тиллардан олинган бўлиб, ҳар хил маъноларни англатиши маълум. Масалан, «*таэквондо*» корейсча сўздан олинган бўлиб, «*таэ*» – оёқ, «*квон*» – қўл, «*до*» – йўл, яъни оёқ ва қўлларнинг ҳаракат йўли – спорт кураши, баскетбол – французча «*basket*» – сават, «*ball*» – тўп – спорт тури, «*шахмат*», шоҳмот форс тилидан олинган «*шоҳмот*» – шоҳ «*мот бўлди*» – спорт тури, *дзюдо* – японча «*дзю*» – юмшоқ, «*до*» – йўл – спорт якка кураши, волейбол – французча «*volley ball*», «*volley*» – уриб қайтармоқ ва «*ball*» – копток – жамоа бўлиб ўйналадиган спорт ўйини, *бокс* инглизча «*box*» – муштаклаш, зарб бериш, *гандбол* немисча «*hand*» – қўл, «*ball*» – тўп, қўл тўпи – спорт ўйини, бодибилдинг, туризм – «*Body Building*» – тана тузилиши (французча «*culturisme*», «*physical culture*» – гавда маданияти) спорт тури, фристайл, инглизча «*free*» – эркин, «*style*» – усул – тоғ чанғи спорт тури ва ҳ.к.

Ўзбек спорт терминологиясига тегишли бўлган *кураш*, *чавандозлик*, *қиличбозлик*, *мерганлик*, шунингдек, турли ўйинлар ва машқлар: «*Оқ теракми*, *қўқ терак*», «*Қувлашмачоқ*», «*Қарабтеп*», «*Кўпқари*» сингари халқ ўйинлари бунга яққол мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, спорт терминологияси соҳасининг узлуксиз янгиланиб ва ривожланиб бориши ҳамда бугунги кунда спортга бўлган қизиқишнинг ортиб бориши боис уни янада чуқуროқ ўрганишни тақозо қилади. Лексик бирикмалар сленг атрибутига эга (меҳмонлар, мезбонлар, дарвозабон, дарвоза қироли), бу уларнинг спорт дискурсида машҳурлигини англатади. Эҳтимол, спорт журналисти ва спорт шарҳловчисининг нутқида, жаргон каби махсус элементлар, стилистик жиҳатдан нейтрал ва табиийдир, улар спортдаги ҳиссиётларини жуда аниқ





ифода этишга имкон беради. Махсус лингвистик воситалар, биринчи навбатда жаргон, "тил билан тасвирланган маданиятни ҳам, тилда маданиятни ҳам акс эттирувчи" лексик ва фразеологик спорт воситаларининг муҳим қисмини ташкил этади". Тадқиқотларда жаргон деганда "бу ёки бошқа ижтимоий гуруҳ томонидан тилшуносликнинг қолган қисмидан ажратиш учун фойдаланиладиган ярим очиқ лексико-фразеологик тизим" тушунилади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Абдиев М.Б. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-хунарлари материаллари асосида): Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 262 б.
2. Абдуллаева З.А. Ўзбекистонда спортнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 32 б.
3. Бобоёров М. Ҳ. Мустақиллик даври спорт атамаларининг шаклланиши: филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2009. – 22 б.
4. Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ботаника терминологиясининг таркиб топиши ва ривожланиш тарихидан: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзФА, 1969. – 247 б.
5. Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2011. – 26 б.
6. Мирзааҳмедова Х.В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясаиш усуллари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – С.22.
7. Мишина Т.Г. Автомобильная терминология в русском и английском языках: Дис.канд.филол.наук., –Горький, 1990.
8. Неъматова Г. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадий қўлланилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 136б.
9. Нишонова Н. Ўзбек тилида «ҳайвон» архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – С.27.
10. Саримсоков Х.А. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиштира тадқиқи: ф.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 50.
11. Касимова М.Х. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1985. – 25 с.
12. Кулдашова Н.Б. Француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятлари. –Бухоро, 2020, -51 б.





13. Ғуломова Г. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти: Филол.фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. –С. 27.
14. Худойбергганова Д. Мустақиллик даврида спортга доир лексемалар тараққиёти//Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий-амалий анжуман (ижтимоий фанлар). –Бухоро, 2017. –124 б.

